

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЗОВА НИГОРА БАХТИЁРОВА

**ҚИЗИҚМАЧОҚЛАРНИНГ ЖАНРИЙ ТАБИАТИ ВА
БАДИИЯТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Адизова Нигора Бахтиёровна

Қизикмачоқларнинг жанрий табиати ва бадиияти.....3

Адизова Нигора Бахтиёровна

Жанровая природа и художественность прибауток.....23

Adizova Nigora Baxtiyorovna

Generic nature and artistry of sayings.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЗОВА НИГОРА БАХТИЁРОВА

**ҚИЗИҚМАЧОҚЛАРНИНГ ЖАНРИЙ ТАБИАТИ ВА
БАДИИЯТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil298 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ўраева Дармон Саидахмедовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Якуббекова Мунаввар Мухамедовна**
филология фанлари доктори

Қаюмов Олим Садриддинович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

Л.Худайқулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослигида болаларнинг бадий тафаккури ва эстетик дидини ўстириш мақсадида яратилган халқ оғзаки ижоди жанрларининг пайдо бўлиш жараёни ҳамда тарихий-поэтик тадрижий ривожини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фольклорнинг кичик ёшдаги болаларга қаратилган лирик намуналари генезисини, этнопедагогик мазмун-моҳиятини, поэтик-композицион, ижро хусусиятларини ёритиш эса этнофольклористика асосларини очишда, халқ оғзаки ижодининг педагогика ва этнография каби фанлар билан интеграцион тараққиёти тарихини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида болалар фольклорининг поэтик табиати, образлар таркиби, мотивлари ва бадий-эстетик вазифаларини бевосита ижро ҳолати билан боғлаб тадқиқ этиш тамойили кучайиб бормоқда. Натижада дунё халқлари болалар фольклоридаги ўхшаш жанрларнинг шаклланиши ва тадрижий тараққиёти тарихий-фольклорий жараённинг таркибий қисми эканлиги исботланди. Бу эса ўзбек фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг инсоният бадий тафаккур қонуниятлари тадрижи нуқтаи назаридан яшаб келаётганини далиллаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг миллий ўзлиги ва маънавий илдизларининг асоси бўлган халқ оғзаки ижодини ўрганишга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. «Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш»¹ асосий вазифалардан қилиб белгиланди. Ахборот оқими шиддат билан кириб келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида шонли тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз, бой маънавий қадриятларимиз акс этган оғзаки ижод намуналарини сақлаш, аждодларимиз яратган номоддий меросни авайлаш, бу ёдгорликларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини очиб бериш ҳамда уни келажак авлодга етказиш фольклоршунослар олдида турган муҳим вазифалардир. Халқимизнинг кўп асрлар давомида қарор топган умуммиллий қадриятларини тиклашда фольклор энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Унинг бир қисми бўлган болалар фольклорини катталар фольклори контекстида тадқиқ этиш ана шундай муҳим муаммолардан биридир. Уларни фольклоршуносликнинг янги концепциялари ва назарий қарашлари асосида чуқур ўрганиб, жанр, образ ва мотивларининг генезисини аниқлаш, ўзига хос хусусиятларини илмий ёритиш янги хулосалар беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 16 январь. – Б. 4.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4794-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2728-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизикмачоқлар рус фольклоршунослигида «прибаутка» термини билан юритилади. Аниқроғи, уларни бу атама остида илк бор сибирлик фольклоршунос Е.А.Авдеева 1849 йилда “Маҳаллий ёзувлар” тўпламида чоп эттирган. Шундай қилиб, рус фольклоршунослигида қизикмачоқлар XIX асрнинг биринчи ярми охирларида илмий жиҳатдан эътироф этилиб,² уларни тўплаш ва нашр этишга жиддий киришилган. Бироқ жанр табиатини аниқлашга оид тадқиқотлар, асосан, XX аср бошларида бошланган.

XX аср бошларида рус фольклоршунослигида қизикмачоқларнинг жанрий табиатини аниқлашга оид махсус тадқиқотлар пайдо бўлган. Улар ҳақидаги илк назарий қарашлар О.И.Капица томонидан илгари сурилган.³ У рус болалар фольклорини тасниф қилар экан, ўзигача бўлган нашрларда қизикмачоқларнинг овутмачоқ, санама, ағдармачоқ, тез айтиш, тегишмачоқ каби болалар фольклорининг бошқа жанрлари билан аралаштириб юборилишини алоҳида таъкидлаб, қизикмачоқларнинг ўзига хос хусусиятларга эга мустақил жанр эканлигини кўрсатиб ўтди. Лекин унинг

² Авдеева Е.А. Из воспоминаний. – «Отечественные записки». – Т.63. – 1849. – №3. – С.240-246.

³ Капица О.И. Детский фольклор. – Ленинград, 1928. – С.62-63.

Ўзи ҳам баъзан қизиқмачоқлар билан катталарнинг болаларга аталган кўшиқларини қориштириб юборгани кузатилади.

Қизиқмачоқларнинг жанрий хусусиятлари ҳақида рус фольклоршунослигида В.П.Аникин,⁴ М.Н.Мельников⁵ илгари сурган қарашлар ҳам қимматлидир. Хусусан, М.Н.Мельниковнинг қизиқмачоқлар жанрий табиатини, уларнинг халқ педагогикаси соҳасидаги ижтимоий-сиёсий қимматини белгилашдаги қарашлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек фольклоршунослигида қизиқмачоққа мансуб намуналарни ёзиб олиш ва нашр этиш XX асрнинг 30-йилларида бошланган. Аммо бу даврда улар “болалар кўшиғи” деган умумий ном билан аталганлиги кузатилади. Жумладан, Элбек тўплаб нашр этган «Болалар кўшиғи» тўпламида 4 та қизиқмачоқ намунаси мавжуд.⁶ 1984 йилда О.Сафаров “Бойчечак” тўпламида 532 сатрдан иборат 13 та қизиқмачоқ намунасини ёзиб олиб нашр эттирган. Й.Султонов Фарғона водийсидан 161 сатрдан иборат 8 та ва Собир Эҳсон Турк Хоразм воҳасидан 135 сатрлик 4 та қизиқмачоқ матнини ёзиб олиб, эълон қилишган.⁷ Шундай қилиб, ҳозиргача жами 920 сатрдан иборат 29 та қизиқмачоқ ёзиб олиниб, чоп этирилган. О.Сафаров таъкидлаганидек: “Ҳали озлигига қарамай, шу материал ҳам ўзбек қизиқмачоқларининг айрим хусусиятларини тасаввур этишга ва шу асосда баъзи мулоҳазаларни изҳор қилишга имкон беради”.⁸

Қизиқмачоқлар шу кунгача ёзиб олиниб нашр этирилган эса-да, уларнинг табиатини, ўзига хос жанрий белгиларини, ғоявий-бадий ва композицион хусусиятларини, турларини, эстетик вазифаларини махсус ўрганиш ҳозирги ўзбек фольклоршунослиги олдида турган муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Ўзбек фольклоршунослигида қизиқмачоқлар О.Сафаров томонидан бундан ўттиз йил аввал ўбек болалар фольклорининг поэтикаси ва таснифига бағишланган тадқиқотида алоҳида жанр сифатида эътироф этилиб, унга хос баъзи етакчи хусусиятлар кўрсатиб ўтилган, холос. Шу сабабли диссертациямизда қизиқмачоқларни алоҳида жанр сифатида чуқурроқ илмий тадқиқ қилиш кўзда тутилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Бухоро давлат университетининг Ўзбек адабиёти ҳамда Бошланғич таълим кафедраси илмий ишлари режалари асосида бажарилган ва фольклоршунослик соҳаси йўналишига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади қизиқмачоқларнинг жанрий белгилари, генезиси, мавзуй турлари, композицион, лингвопоэтик, ижро хусусиятлари,

⁴ Аникин В.П. Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М.: Учпедгиз, 1957. – С.98-102.

⁵ Мельников М.Н. Русский детский фольклор Сибири. – Новосибирск, 1970. – С.76-82.

⁶ Болалар кўшиғи. – Тошкент, 1936. – Б.16-21.

⁷ Читтигул. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Йўлдош Султонов, Насимхон Раҳмонов, Шомирза Турдимов. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.12-24; Хоразм хазинаси. Тўпловчи Собир Эҳсон Турк, нашрга тайёрловчи Комил Нуржонов. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – Б.43-47.

⁸ Сафаров О. Ўзбек болалар адабиёти ва фольклори. – Бухоро, 2007.

етақчи образлари, анъанавий мотивлари ва бадий-эстетик вазифаларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қизиқмачоқларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари тизимидаги ўрнини, халқ қизиқчилиги, эртақлар, болалар фольклоридаги эркалама, овутмачоқ, санама, тегишмачоқ, тез айтиш, гулдур-гуп, хукмлагич сингари бошқа мустақил жанрлар билан генетик алоқадорлигини, ўзига хос белги-хусусиятларини кўрсатиб бериш;

қизиқмачоқлар келиб чиқишининг ижтимоий-ҳаётий омилларини, “қизиқмачоқ” атамасининг пайдо бўлишини ва этнопедагогик мазмун-моҳиятини тарихий-қиёсий аспектда очиш;

мифологик тасаввур-тушунчалар асосида шаклланган фольклорга хос анъанавий сюжет, мотив ва образларнинг, халқ қизиқчилигига хос белгиларнинг қизиқмачоқлардаги бадий талқинини қиёсий-типологик жиҳатдан ёритиш;

қизиқмачоқларнинг мавзуй-шаклий таснифини амалга ошириш орқали уларда теварак-атроф, маиший турмуш, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, одоб-ахлоққа оид тушунчалар акс эттирилишини, ҳар бир тури ўзига хос бадий-эстетик вазифа бажаришини фактик далиллар билан асослаш;

лингвопоэтик ифода ва тасвир воситаларининг қизиқмачоқлар ғоявий-бадий қимматини оширишдаги стилистик-функционал аҳамиятини илмий далиллаш;

қизиқмачоқларнинг банд қурилиши, вазни ва қофияланиш тизимини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозиргача ёзиб олинган ва болалар учун нашр қилинган “Болалар кўшиғи”, “Бойчечак”, “Читтигул”, “Хоразм хазинаси”, “Қайнар булоқ” сингари тўпламлардаги қизиқмачоқ намуналари танланди.

Тадқиқотнинг предметини қизиқмачоқларнинг ўзига хос жанрий, ғоявий-бадий, композицион, лингвопоэтик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик ҳамда лингвистик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек болалар фольклорининг анъанавий шеърӣй шаклларида бири – қизиқмачоқлар халқ кўшиқчилиги жанрлар тизимининг шаклланиши ва тадрижий тараққиётини белгиловчи муҳим халқалардан бири эканлиги асосланган;

қизиқмачоқлар халқ қизиқчилиги, эртақлар, болалар фольклоридаги эркалама, овутмачоқ, санама, тегишмачоқ, тез айтиш, гулдур-гуп, хукмлагич каби жанрлар билан боғлиқликда келиб чиққанлиги ҳамда яхлит бадий тизим сифатида тараққӣй этганлиги қиёсий-типологик аспектда исботланган;

қизиқмачоқлар катталар томонидан болаларга атаб яратилган юмористик руҳдаги кўшиқлар сифатида болалар фольклори билан катталар

фольклорининг генетик алоқадорлигини тўғри баҳолашга йўл очиши далилланган;

қизиқмачоқларнинг мавзуйий-шаклий турлари, анъанавий образлар тизими, асосий мотивлари, лингвопоэтик ва композицион хусусиятлари, банд қурилиши, вазни, қофияланиш тизими, ифода-тасвир услуб ва бадиий-эстетик вазифалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қизиқмачоқларнинг ўзига хос жанрий табиати, келиб чиқиш асослари, болалар фольклори жанрлари орасида тутган ўрни, бошқа жанрлар билан генетик алоқадорлиги, мавзуйий-шаклий типлари, бадиий-композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш асосида чиқарилган назарий хулосалар умумўзбек болалар фольклори жанрлари тизимини яхлит тасаввур этиш, унинг генезиси ва поэтикасига дахлдор илмий маълумотларни бойитиш, фольклор фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

ўзбек болалар фольклорининг номоддий маданий мерос контекстида тутган ўрнини белгилаш учун назарий асос бўлади;

диссертацияда таҳлилга тортилган фактик материаллар маданий-маърифий тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида болалар фольклорини тарғиб ва ташвиқ қилишда ишончли далилий манба вазифасини ўтай олади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, тизимли таҳлил каби тадқиқ методлари билан асослангани, ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқ кўйилганлиги, қизиқмачоқларнинг поэтик хусусиятларини ёритишда илмий-тарихий ва адабий манбаларга таянилгани сингари жиҳатлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва чиқарилган назарий хулосалар нафақат қизиқмачоқларнинг шаклланиш жараёни ва бадиий-тадрижий тараққиёт хусусиятлари ҳақидаги мавжуд илмий қарашларни кенгайтиради ва бойитади, балки болалар фольклоридаги унга яқин эркалама, овутмачоқ, ҳавзак-ҳавзак, қайтармачоқ, алданмачоқ ва ҳоказо сингари бошқа мустақил жанрлар хусусидаги қарашлар билан ҳам боғланиб, ўзбек фольклори фанининг назарий асослари мустаҳкамланишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қизиқмачоқ жанрининг специфик хусусиятлари, ички кўринишлари ҳақидаги қарашлар фольклоршунослик билан бир қаторда педагогика, мактабгача таълим, этнология, адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар фольклорининг жанрлар тизими ва таркибида қизиқмачоқларнинг ўрнини белгилаб кўрсатиш, жанрий табиати ва бадиияти, генезиси, ижро хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

қизикмачоқлар образлар силсиласининг тарихий-генетик асослари ҳамда бадий эволюциясига миф, афсона, эртақнинг таъсирига доир илмий-назарий хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур таракқиётидаги ўрни” (2012-2016) номли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3798-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ мифологиясининг ёзма адабиётга таъсири, жумладан, мифологик сюжет, мотив ва образларнинг қизикмачоқлар бадий структурасидаги поэтик вазифаларини ойдинлаштиришга эришилган;

Бухоро давлат университетида бажарилган Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада ўзбек болалар фольклорининг мустақил жанрларидан бири бўлган қизикмачоқнинг жанрий табиати, ўзига хос бадий-композицион хусусиятлари, образлар олами ва лингвопоэтик белгилари очиб бериш асосида чиқарилган хулосалари фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3797-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек фольклоридаги кўпгина жанрларнинг поэтик табиати ва вазифаси жиҳатидан жаҳон халқлари оғзаки ижодидаги баъзи жанрлар билан муштараклик касб этиши асосланган.

Ўзбек халқ миллий кўшиқларининг образлар тизими, композицион хусусиятлари, бадий тасвир воситаларининг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрнига доир хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Долзарб мавзу”, “Қадрият, урф-одат ва анъана”, “Наврўз удумлари”, “Алла сеҳри”, “Ўзбекона”, “Адабиёт дарси”, “Адабий муҳит” каби телекўрсатувларида, шунингдек, “Қадриятлар қадим бешиги”, “Маънавият гулшани” каби радиоэшиттиришларида фойдаланилди. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1/339-сон маълумотномаси). Натижада болалар фольклорининг ўзига хос тарбиявий-эстетик моҳияти ва унинг сўз санъатидаги алоҳида ўрни хусусидаги кенг кўламли маълумотлар томошабинлар аудиториясига етказилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та республика, 4 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«**Кириш**»да мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қизикмачоқлар – ўзбек болалар фольклорининг мустақил жанрларидан бири**» деб аталган. Унинг илк фасли «Қизикмачоқ» атамасининг моҳияти ва жанрий хусусиятлари», иккинчи фасли «Қизикмачоқларнинг келиб чиқиш асослари» кўринишида сарлавҳаланган.

Ўзбек фольклоршунослигида «қизикмачоқ» атамаси болаларни қизиқтирувчи кулгили шеърый асарларга нисбатан қўлланади. Беғараз юморга йўғрилган бундай кўшиқларнинг ҳажми турлича (узун ёки қисқа) бўлади. Қизикмачоқлар болалар фольклорининг алоҳида, қадимий ва анъанавий, мустақил жанрларидан бири бўлиб, боланинг бешик даври тугаши билан куйлана бошлайди. Уларнинг асосида қизик ва ўткир гап, пичинг, қочирик, ҳазил ётади.

Ўзбек болалар фольклоршунослигида қизикмачоқларни ёзиб олиш ва нашр этиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган. Элбек, Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров унинг илк тадқиқотчиларидир.

Қизикмачоқларда кулгили ифода, юмористик маъно муҳим ўрин тутлади. Уларнинг ижроси қатор хусусиятларга эга. Қизикмачоқлар тили чиққан, яъни гапира биладиган, гапни тушунадиган ва берилган саволларга жавоб қайтара биладиган болаларга катталар томонидан айтилади. Уларнинг аксарияти диалог (сухбат) ёки айтишув кўринишида ижро қилинади. Шунинг учун бадиий қурилишида диалог алоҳида ўрин тутлади. Қизикмачоқлар ижросида ўйин ҳаракатлари деярли кузатилмайди. Уларда сўзга эътибор кучли. Қизикмачоқлар аниқ ижро ўрнию вақтига эга бўлмайди. Уларни исталган пайтда, исталган жойда айтиш мумкин.

Қизикмачоқларда шундай мотивлар учрайдики, бевосита афсона ва эртақлар сюжетини ёдга солади.

О.И.Капица қизикмачоқларнинг кўпроқ эртақларга ўхшаб кетишини алоҳида таъкидлайди.⁹ Дарҳақиқат, ўзбек халқ қизикмачоқлари орасида «Ғоз-ғозим бор» сатри билан бошланувчи намуналар борки, улар муайян стилистик-композицион туркумни ҳосил қилади. *Бундай қизикмачоқларнинг яратилишида эртақларнинг таъсирини сезиш қийин эмас.* Жумладан, ғоз образи эртақ ва дostonларда кўп учрайди.

Маълумки, кўпгина халқлар орасида ғозга нисбатан эътиқодий қараш шаклланган. Таниқли фольклоршунос Ш.Турдимов ўзбек халқи тасавурида

⁹ Капица О.И. Детский фольклор: песни, потешки, дразнилки, сказки, игры. – Л., 1928. – 222 с.

ғознинг илоҳий қудратга эга элчи, хабарчи қуш, эзгу рух сифатида талқин этилишини айтиб ўтади.¹⁰ Ғоз ҳақида бундай қарашларнинг келиб чиқишига унинг бемалол кўкда уча билиши, ерда юра олиши, сувда сузиши билан боғлиқ ўзига хос хусусияти асос бўлган. Шу воқелик ғозларнинг афсонавийлаштирилишига ва эпик тимсол даражасига кўтарилишига сабаб бўлган. У халқ тасавурида дунёнинг ана шу уч қисмини боғлаб турувчи қуш сифатида талқин этилади. Осмон худоларининг ердаги элчиси саналади.

Ғознинг “хабарчи қуш” сифатидаги эпик вазифаси, айниқса, “Алпомиш” достонида ёрқин тасвирланган. Жумладан, достонда у чоғга тушиб қолган Алпомишнинг тириклигидан яқинларига хабар етказди.¹¹

Эътиборли жиҳати шундаки, болалар учун яратилган қизиқмачоқларда ҳам ғознинг ана шу эпик вазифаси талқини кузатилади. Қуйидаги каттагина ҳажмли, муайян сюжетга эга қизиқмачоқда ғоз образи воқеаларга олиб кирувчи восита вазифасини ўтаган:

Ғоз-ғозим бор ғоз-ғоз,
Бири чаман,¹² бири бўз,¹³
Миндим бўзнинг белига,
Тушдим ғор-ғор йўлига.¹⁴

Қизиқмачоқда ғознинг бири чаман, бири бўз эканлиги ҳам эътиборлидир. Чунки ўзга маконга, асосан, бўз от, бўз ғоз билан борилиши ёки чиқиб қайтилиши талқин қилинади. Масалан, бунга “Гўрўғли” туркуми достонларидан саналган “Малика айёр”да Тиллақизнинг Бўзтулпорини мисол қилиш мумкин. Бу от унинг Гулчорбоғ деган боғида турар эди. Тиллақиз билан Шозаргар шу отга мингашиб ҳамда сермаса қирқ газ узун бўладиган кескир ханжарларни олиб, сирли Торкистондан чиқиб кетадилар.¹⁵

Қаҳрамон ғорга кириб борар экан, у ерда бирма-бир ғаройиб воқеаларнинг шоҳиди бўла бошлайди. Чунки афсона, эртақ ва достонларда ғор – сирли макон эшиги сифатида тасвирланади.

Ғор-ғор йўли оқ бозор,
Оқ бозорда ким кезар?
Битта маймунча кезар.

Ғор, асосан, мифологик образлар (дев, аждар, ялмоғиз, пари) макон тутган жой ҳисобланади.¹⁶ Матндаги “оқ бозор” бирикмаси, бизнингча, “ўлим”, “у дунё”, “ўликлар макони”, “руҳлар манзили” тушунчаларини ўзида рамзий ифодалайди.¹⁷ Негаки, ўзбек халқ мотам кўшиқларида ҳам “бозор” сўзига шу маънолар юкланганлиги кузатилади. Масалан:

¹⁰ Турдимов Ш. Ўрдагимиз қос ўлди. – Ўзбек адабиёти ва санъати. – 1985. – 19 июль. – №29 (2821). – Б.3.

¹¹ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Т.: Шарқ, 1998. – 400 б.

¹² Ялқов, танбал.

¹³ Чўлок, оқсок.

¹⁴ Бойчечак, 92-бет.

¹⁵ Малика айёр: Достонлар. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли; ёзиб олувчи М.Эрназар ўғли. ЎХИ. Кўп томлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 336 б.

¹⁶ Қодиров К.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2004, 14-бет.

¹⁷ Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.; Рўзиева М. Ўзбек фольклорида ранг символикаси. – Т.: Фан, 2016. – 208 б.

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор-зор қақшайди.

Бу ўринда “бозор” тушунчаси ўлим юз бериб, болалар етим (отасиз ё онасиз) қолганига ишора қилмоқда.

Маймун кўпинча пари образининг эквиваленти саналади. Масалан, ўзбек халқ эртаги “Булбулигўё”да пари қизнинг Маймун қиёфасидаги кўриниши ифодаланган.¹⁸ Шунинг учун ғор орқали ўтиб борилган оқ бозорда маймуннинг учраши оддий ҳол эмас. Ҳатто бу ўринда маймун билан булбул образининг ёнма-ён келтирилиши яна бир карра “Булбулигўё” эртагининг сюжетини ёдга солади. Чунки бу булбул оддий булбул эмас. Унинг “ўнг бармоғи кумушдан” эканлиги ғайриоддийлигидан далолат бериб туради. Бу билан булбулнинг сирли табиатига ишора қилинмоқда:

Булбул қафасда сайрар.
Булбул уйи қамишдан
Ўнг бармоғи кумушдан.
Ҳофиз оғам уйдаими?
Бедов отда тўйдаими?¹⁹

Булбул – бола рамзини, унинг қафаси бешик рамзини ифодалайди. Шунинг учун уларда бешик қафасга ўхшатилиши мумкин. Чунки булбул қафасдан қутилгач, бола бешикдан қутилгач, боқиманда бўлмай, ўзи эркин яшайди ва ўз ризқини ўзи топиб, мустақил кун кечиришга ўтади. Шу ўхшашлик асосида бу мотивдан фойдаланилган бўлиши мумкин.

Бир қараганда, қизиқмачоқда булбул (қуш) образидан сўнг ҳофиз (инсон) образи келтирилиши мантиқсиздай туюлади. Аслида эса бу ўринда таносиб санъати қўлланган. Чунки булбул хушхон сайроқи қуш бўлганлиги сабаб кўпинча ҳофизга ўхшатилади. Ҳатто ўзбек халқ афсоналарида булбулнинг бир вақтлар одам бўлганлиги, ошиқлиги сабаб ҳофиз қушга айланиб қолганлиги ҳикоя қилинади. Бунга “Булбул билан Тўрғай”²⁰, “Ҳазрати Хўжам булбул”²¹ афсоналари мисол бўла олади. Шундай экан, қизиқмачоқда булбул ва ҳофиз образларининг параллелликда келтирилиши бежиз эмас. Шундан сўнг қизиқмачоқда сирли воқеалар бирин-кетин ҳаётий воқеаларга улана бошлайди:

Бедов отни минмакка
Ҳофиз оғам ярашар.
Ҳофиз оғам қўлига
Кесар қилич ярашар...
Кесар қилич кесмоққа
Немис²² калла ярашар
Немис калла кўммакка

¹⁸ Булбулигўё // Ўзбек халқ эртаклари. 2 жилдлик. 2-жилд. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. (320). – Б.26-39.

¹⁹ Бойчечак, 92-бет.

²⁰ Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар М.Муродов ва М.Шайхова. – Т.: Ёш гвардия, 1990. – Б.31.

²¹ Ўша манба.

²² Фашистлар назарда тутилган.

Суюқ чага ярашар.²³

Қизикмачоқнинг кейинги мисралари тарбиявий моҳият касб этган. Унда инсон ким бўлишидан, қайси касб билан шуғулланишидан қатъий назар, аввало, ўз элу юртининг ҳимоячиси, унинг эрки ва озодлиги учун курашувчи бўлиши лозимлиги уқтирилмоқда. Ана шундагина қизикмачоқда тасвирланганидек ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади:

Суюқ чага устига.
Кўрпа ўтлар ярашар.
Кўрпа²⁴ ўтлар емакка
Улоқ-қўзи ярашар.
Улоқ-қўзи соғмоққа
Оқча келин ярашар.
Оқча келин қўлига
Чинни коса ярашар
Чинни-коса ичига
Ёғли патир ярашар
Ёғли патир емакка,
Лўппи бола ярашар.²⁵

Бундай қизикмачоқлар халқ ва Ватан эрки учун кураш – фаровон ҳаётнинг гарови, деган муқаддас ғояни мурғак қалбларга синдиришни кўзлаб куйланган.

Қизикмачоқнинг ғоз образи билан бошланиб, бола образи билан тугаётганлиги ҳам ўзига хосдир. Чунки фольклор асарларида ғоз образининг фарзанд тимсолида талқин этилиши учрайди. Масалан, ўзбек халқ маиший достони “Эрали ва Шерали”да бефарзанд ўғай онанинг еттита ғозни бола сифатида боқиб парваришлаши ифода этилган. Достонда ғоз образи тугуннинг ҳосил қилинишида муҳим вазифа бажарган. Чунки Эрали ва Шералининг тасодифан ана шу ғозларни отиб қўйиши натижасида воқеалар ривожлантирилган.

Демак, қизикмачоқларнинг келиб чиқишида халқ ижоди анъаналари замин вазифасини ўтаган. Айни пайтда қизикмачоқлар ҳам болалар фольклоридаги айрим жанрларнинг тадрижий тақомилига ўзига хос таъсир кўрсатгани сезилади. Буни қизикмачоқлар ҳақида яратилган айрим тадқиқотларда уларнинг гоҳида овутмачоқлар билан, гоҳида санама, ағдармачоқ, тез айтиш ва тегишмачоқлар билан аралаш-қуралаш берилиши мисолида илғаш мумкин. Рост, қизикмачоқлар бу жанрларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаганлигини инкор қилиш қийин. Қизикмачоқларнинг генетик илдизи ҳукмлагичлар ва қизикчилик кўшиқлари билан ҳам боғланади. Қизикмачоқларда санамалар, топишмоқлар, алданмачоқлар, тез айтишлар, чандишлар таъсири сезилади.

²³ Бойчечак, 92-бет.

²⁴Беданинг қарич тортган, лекин ҳали ўримга келмаган барра ҳолати.

²⁵ Бойчечак, 92-бет.

Қизикмачоқлар туркий халқлар, жумладан, ўзбек болалар фольклорида алоҳида мустақил жанр сифатида қадимдан ҳозиргача жонли ижрода сақланиб келаётир. Улар ўзига хос поэтик шаклга, ижро мақсадига, ғоявий-тарбиявий мазмунга, эстетик таъсирчанликка эга.

Кўпинча ҳазил ва юморга йўғрилган қизикмачоқларнинг пайдо бўлишида халқ қизикчилигига хос анъаналар таъсир кўрсатган. Лекин қизикмачоқларнинг ҳаммаси ҳам ҳазилга йўғрилган бўлавермайди. Уларда болаларга жиддий ҳаётий ҳодиса ва муносабатлар ҳақида ҳам тарбиявий сабоқ берилади.

Ҳазил-мутойиба, қувноқ, аммо тагдор юмор, кучли муболаға, фантазия, халқона уйдирма, теварак-атрофдаги нарса-ҳодисаларнинг ўзаро мутаносиблиги ёки номутаносиблиги, кутилмаган тасодифийлик туфайли туғилган кулги қизикмачоқларга хос муҳим белгилар бўлиб, улар боланинг ақлий ўсиши, фантазиясининг ривожланиши ва бойишида катта аҳамият касб этади.

Қизикмачоқлар болаларнинг тушунишига қулай, ёш нуқтаи назаридан руҳий-маънавий эҳтиёжларига мос бўлиб, катталар ва болалар ҳаётий тушунча ҳамда тасаввурларининг ўзаро қоришиқлигида, фантастик образлилик ҳамда воқеабандлик негизида қурилади.

Қизикмачоқларда тасодифийлик образлар хатти-ҳаракатида кулгили вазиятларни юзага чиқариш билан бирга, сюжет воқеалари оқимининг шиддатини белгилашга хизмат қилади. Шу залда тасодифийлик қизикмачоқларда қизиқарлиликни таъминловчи хусусиятга айланади. Кулги воситасида ифодаланаётган ва қабул қилинаётган ахборотлар эса боланинг ақлий эҳтиёжларини янада кенгайтиради.

«Қизикмачоқларнинг мавзуй-шаклий турлари» деб номланган иккинчи боби уч фаслдан таркиб топган бўлиб, илк фасли “Қизикмачоқларнинг мавзуй йўналишига кўра турлари” иккинчи фасли “Қизикмачоқларнинг тузилишига кўра турлари”, учинчи фасли “Қайтармачоқ ва алданмачоқлар қизикмачоқларнинг бир тури сифатида” тарзида аталган.

Қизикмачоқлар тарбиявий-эстетик моҳиятга эга, узун ҳажмли, ҳазилга йўғрилган, жўшқин руҳдаги оғзаки қўшиқлар бўлиб, мазмунан ранг-баранглик касб этади. Уларда болаларни теварак-атроф ва маиший турмуш, айрим тарихий воқеа-ҳодисалар, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами билан таништириш, булар ҳақида сабоқ бериш мақсади етакчилик қилади.

Қизикмачоқлар воситасида болаларга саломлашиш ва сўрашиш, овқатланиш одоби ҳақида ҳам ўғит берилади. Улар орқали болаларга сонлар номи, санаш ҳаракати ҳам ўргатилади. Ҳаётий ҳодисаларнинг моҳияти, инсоний муомала-муносабатлар, ахлоқ-одоб қоидалари тушунтирилади. Болалардаги турли камчиликларни, айрим қилиқ ва иллатларни бартараф қилишда қизикмачоқларнинг ўз ўрни, таъсири ва аҳамияти бор.

Қизикмачоқларда деҳқончилик ишларининг бошланиш даври, ўзига хос тартибда кечиши, унга алоқадор юмушлар ёки чорвачиликда чорвани боқиш ва бошқариш, чордорлар ҳаёти, чўпончилик, чўпонлар турмуши ҳақида ҳам тушунчалар акс эттирилган.

Қизикмачоқлар табиатига кўра юморга йўғрилган комик мазмунли, ҳазил руҳидаги, лексик маъносини йўқотган сўкма сўзлар билан бошланадиган кумулятив, янги мазмунни анъаналар доирасида ифодалашдан келиб чиқадиган контаминациялашган, маълум бир жонзотга бола тилидан мурожаат қилинадиган ҳукмлагич характеридаги, ечими кутилмаган кулгига асосланадиган латифа, тузилишига кўра монологик ва диалогик қизикмачоқларга бўлинади.

Монолог қизикмачоқлар монотон оҳангда ижро қилиниши билан диалогли қизикмачоқлардан ажралиб туради. Бунга бедана ҳақидаги яна бир кўйидаги қизикмачоқни мисол қилиш мумкин:

Ола той, йўрғала, той,
Миниб Хуросон кетай.
Хуросоннинг йўлида
Отгинам ўлса, нетай?
Отимнинг ўлигини
Ишлаб бозорга сотай.
Банги-бангига сотай,
Аттор рангига сотай.
Бангининг отаси йўқ,
Белида пўтаси йўқ,
Қалпоқда пўпаги бор,
Атторда ипаги бор.
Йигитда ҳам йигит бор,
Мен севганнинг бўйи бор,
Не бир, не бир сўзи бор,
Қуралайдай кўзи бор.
Отам севмагин, деди,
Онам қўймагин, деди,
У ҳам мени севади,
Юраги ҳам куяди.²⁶

Матндаги кет+ай / нет+ай / сот+ай феъллари таркибидаги истак мазмунини билдирувчи “-ай” I шахс бирликдаги шахс-сон қўшимчаси ҳамда “отгина+м”, “от+им”, “ота+м”, “она+м” сўзлари таркибидаги “-м” (-им) I шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси, шунингдек, I шахс ўрнида қўлланивчи “мен”, “мени” кишилиқ олмошига қараб, унинг яқка шахс томонидан монотон оҳангда айтилаётганини англаш мумкин.

Қизикмачоқларнинг аксарияти тузилиши жиҳатидан катталар билан болаларнинг савол-жавобига асосланади. Уларда суҳбат шакли муҳим ўрин тутди. Айтайлик, айрим бобо-бувилар носвой чекишади. Нос чекканда эса улар оғзининг банд бўлиб қолиши сабабли невараси билан маълум муддат гаплашмай қўйишади. Бола учун бу бефарқлик ва эътиборсизлик оғир

²⁶ Читтигул / Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Й.Султонов, Н.Раҳмонов, Ш.Турдимов. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.21.

ботади. Шу туфайли болалар кўпинча бобо ва бувиларининг нос сақланадиган идиши – носқовоғи (носкадиси)ни яшириб қўйишга ўч бўлишади. Мана шу реал ҳолат қизиқмачоқларда ўз аксини топганлиги кузатилади. Қуйидаги шундай мазмундаги қизиқмачоқ бобо ва неvara ўртасида кечган:

- Носкадим қани?
- Сотиб юбордим!
- Пули қани?
- Шикалад олдим.
- Шикалатингдан бер,
Шикаладни боболар ҳам ер!²⁷

Қизиқмачоқлар комиклик, яъни қизиқчиликнинг иштирокига кўра комик мазмунга эга бўлмаган ва ҳазил қизиқмачоқлардан иборатдир.

Алданмачоқ ва қайтармачоқлар қизиқмачоқларнинг ички турларидандир. Уларда бир воқеадан иккинчиси ўсиб чиқаверади. Умумий бир ғоя атрофида мантиқан бирлашган ҳар бир воқеа алоҳида эпизод тусини олиб, муайян сюжетини ҳосил қилади. Алданмачоқлар “Алдаттим-о, алдатдим”, қайтармачоқлар “Юмаландим, юмоқ топдим” сатри билан бошланиши уларга хос муҳим белги бўлиб, шуниси билан улар болалар фольклоридаги бошқа анъанавий жанрлардан ажралиб туради ва ўзига хослик касб этади. Алданмачоқда баён қилинаётган воқеалар ҳаётий уйдирма, ёлғондан иборатлиги, қайтармачоқда бир хил мазмундаги савол-жавобнинг такрорланиб (қайта-қайта) келиши, айтилаётган фикрга зид фикр қайтариш жанр моҳиятини белгилайди. Қайтармачоқлар шеърини ёки насрий кўринишларда учрайди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Қизиқмачоқларнинг бадиий-композицион хусусиятлари»** деб номланган ва уч фаслга ажратилган. Бобнинг илк фасли “Қизиқмачоқларнинг асосий мотивлари ва образлар олами”, иккинчи фасли “Қизиқмачоқларнинг лингвопоэтик хусусиятлари”, учинчи фасли “Қизиқмачоқларнинг банд қурилиши, вазни ва қофияланиш тизими” деб аталган.

Қизиқмачоқлар бадиияти бошқа эркаловчи кўшиқлар бадииятидан қолишмайди, ҳатто бирмунча мукамаллиги билан ажралиб туради. Уларда болаларга яқин ва тушунарли, анъанавий образлар қўлланади. Воқеликнинг бири иккинчисига уланиб бориб, фикрий занжирли боғланишни ҳосил қилади. Образдан образга, фикрдан фикрга кўчиб борилади. Шу тариха уларнинг ҳажми узайиб кетади.

Қизиқмачоқларнинг образлар олами бой ва ранг-барангдир. Уларда бола образидан ташқари катталар образи ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Қизиқмачоқларнинг образлари қаторида инсонлар (янга, ака, оқсоқол бува, момо, бола, қиз, чўпон, деҳқон, хон, банги, Ҳасан-Ҳусан, Шоди ялоқи, сингари), жонзотлар (туя, бўри, эшак, қўй, эчки, улоқ, ит, мушук, бузоқ,

²⁷ 2008 йилда Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий ишлар йўналиши 1-курс талабаси З.Хусеновадан Н.Адилова ёзиб олган.

қўзичоқ, қуён, бит, балиқ каби), қуш ва паррандалар (қарға, лайлак, бедана, хўроз, товук, жўжа), осмон ёритгичлари (қуёш, ой, юлдузлар), табиат ҳодисалари (шамол, қор, ёмғир, булут, туман), нарса-ҳодисалар (қамчи, қилич, пичоқ, ўчоқ, тухум, пиёла, бешиқ, мунчоқ каби), дарахт, ўсимлик ва мевалар (тол, жийда, қизил олма, қизил гул), мифологик макон (Эрам боғи, Олатоғ), мифологик образлар (пари, Ажина, Ялмоғиз) ва ҳоказоларнинг образи алоҳида ўрин тутди ва улар ўзига хос бадиий-эстетик вазифа бажариб келади. Қизикмачоқларда тилга олингани кузатилади:

Янга қизикмачоқларда энг кўп учрайдиган образлардан биридир. Уларда янга образи кўпинча танқид қилиниши кузатилади. Айниқса, қўлидан иш келмайдиган, нўноқ, калтафаҳм янгалар фош этилади:

Остонанинг оқ тоши,
Янгамнинг қалам қоши.
Янгамсан-о, янгамсан,
Кийим бичар билмайсан,
Кийимингни кўтариб,
Хон олдиға бормайсан.²⁸

Қизлар то турмушга чиққунига қадар рўзғор ишларини, айниқса, таом тайёрлаш, бичиш-тикиш юмушларини ўрганиб олмоқлари лозим. Акс ҳолда улар борган жойида ана шундай маломатга қолиб юришади.

Апишдию, апишди,
Янгамнинг оши пишди.
Акамга қўйган ошни
Ҳакка чўқилаб қочди.
Ҳаккани кува-кува,
Йўлдан бир ойнак топдим,
Ойнакни сувга бердим,
Сув менга балиқ берди,
Балиқни баққолга бердим,
Баққол менга тарик берди.
Тарикни товукқа бердим,
Товук менга тухум берди.
Тухумни ўтга кўмдим,
Пақ этди-ю, шақ этди,
Ёрилди-кетди.²⁹

Ушбу қизикмачоқда янганинг эҳтиётсизлиги, эрига қўйган овқатни ҳакканинг чўқилаб, увол қилиши айтилмоқда.

Фольклоршунос А.Мусақулов “ўзбек халқ лирикасидаги янга маълум даражада шомонликка ишонч изларини ифода этувчи бадиий образдир” деб

²⁸ Читтигул / Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Й.Султонов, Н.Раҳмонов, Ш.Турдимов. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.24.

²⁹ Читтигул / Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Й.Султонов, Н.Раҳмонов, Ш.Турдимов. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.12.

